

Pearson BTEC Ўзбекистон 4-даража

# Омбор назорати

соҳаси бўйича

Малакалар

2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

Ўқитувчи Ресурслари

1-нашр



## **Edexcel, BTEC va LCCI малакаси**

Edexcel, BTEC va LCCI малакаси бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун [qualifications.pearson.com](http://qualifications.pearson.com) сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз [qualifications.pearson.com/contactus](http://qualifications.pearson.com/contactus) саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

## **Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги етакчи таълимга оид компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида [qualification.pearson.com](http://qualification.pearson.com). сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 97329 5

Ушбу нашрдаги барча материаллар

© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади.

# Мундарижа

<b>Кириш</b>	<b>1</b>
<b>2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш</b>	<b>3</b>
Ўқув қўлланма	3
Иш схемаси	13
Дарс режаси	29



# Кириш

Ушбу буклет Pearson ВТЕС Ўзбекистон 4-даража Омбор назорати соҳаси бўйича малакалар спецификациясига қўшимча ҳисобланади. Спецификация сизга нимани ўргатиш ва нимани баҳолаш кераклигини кўрсатиб беради. Мазкур буклет сизга буни қандай бажаришингиз тўғрисидаги таклиф ва ғояларни тақдим этади.

Ушбу буклет сизга амалий машғулотлар, реал сценарийлар, иш берувчиларни ўқув жараёнига жалб қилиш усуллари ва мустақил ўқишни бошқариш усуллари, шунингдек баҳолаш усуллари ўз ичига олган ҳолда таълим бериш ва ўрганиш бўйича ғояларни тақдим этади. Шунингдек, рисола спецификацияларнинг мазмуни амалда қандай ишлаши мумкинлигини кўрсатиб беради ва сизни малакани оширишнинг турли усуллари ҳақида ўйлашга ундайди.

Мазкур буклет сизга қуйидагиларни тақдим этади:

- малакадаги модулларни қандай олиб бориш бўйича қўлланма;
- малакадаги модулларини тақдим этишни қўллаб-қувватлаш учун тавсия этилган ресурслар;
- бутун малака бўйлаб барча модулларда қамраб олинган мавзулар, машқлар ва баҳолашларни кўрсатувчи иш схемалари;
- модулларнинг мазмунини ёритиш учун дарсларни қандай ўтказиш ҳақида батафсил қўлланмани ўз ичига олган дарс режалари.

Ушбу буклетдаги маълумотлар, малакаларни ишлаб чиқишда иштирок этган ўқитувчилар томонидан тузилган, шунинг учун улар ВТЕС малакасини тақдим этишнинг янги ва қизиқарли усуллари топиш қийинлигини тушунадилар.

Мазкур буклетда келтирилган ўқув қўлланма, малакани тақдим этишни режалаштиришда нимани эътиборга олиш кераклиги ҳақида маълумотни ўз ичига олади, шу жумладан:

- малакангизнинг тузилмаси
- қандай қилиб ўз ўқувчиларингиз учун малакани шакллантиришингиз мумкинлиги
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз ҳақидаги таклиф
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва мавжуд ресурслар тўғрисида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва модуль таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, унда ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир модуль учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

## 2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

---

### Ўқув қўлланма

#### Модул билан танишиш

Ушбу модулнинг мақсади – бу иштиёқи баланд ва ўз ишини яхши бажаришни истовчи аъзолардан иборат самарали жамоани яратиш ва уни бошқаришни ўрганишдир. Гуруҳнинг тегишли аъзолари учун вазифаларни диққат билан режалаштириш ва тақсимлаш омборнинг самарали ишлашига ёрдам беради. Ушбу модул ўқувчиларга лидерлик қобилиятларини намойиш этиш имкониятини беради.

Мазкур модулда сиз турли хил ўқитиш усулларида фойдаланишингиз мумкин, масалан:

- гуруҳлар ва жамоалар ўртасидаги фарқлар ва жамоа назариясини синфда ва кичик гуруҳларда муҳокама қилиш;
- муваффақиятли жамоаларнинг хусусиятларини акс эттирувчи индивидуал ёки гуруҳли тақдимотлар;
- оммавий ахборот воситалари ва журналлардаги жамоага алоқадор бўлган мақолалар;
- унумдорликни баҳолаш учун жамоанинг аниқ ҳаракатлари;
- жамоанинг унумдорлигини кузатиш ва текшириш учун омборларга ташриф буюриш.

Гуруҳда ишлаш бу ўқитишнинг мақбул шакли ҳисобланади, аммо сиз, ҳар бир ўқувчини кейс-стади баҳолаш учун етарли бўлган, ўз шахсий далилларини тақдим этгаётганига ишонч ҳосил қилишингиз керак.

Модулни ўқитиш жараёнига сиз маҳаллий иш берувчиларни жалб қилишингиз мумкин, масалан:

- таклиф этилган спикерлар;
- ўқувчиларга меҳнат амалиётини тақдим этувчи компаниялар;
- ўқувчилар учун мураббийлар;
- ташриф буюрадиган иш жойлари;
- кейс-стади ва мисоллар учун асос сифатида ишлатилиши мумкин бўлган ҳужжатлар каби иш алоқадор материалларнинг манбалари;
- омборга жойлаш ва сақлашга доир ускуналарнинг таъминотчилари.



## Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

### 2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

#### Кириш

Ўқувчиларни модул билан таништиришни гуруҳли муҳокамалар орқали бошланг. Кейин модулнинг ўқув мақсадлари ва баҳолаш талабларини тавсифланг.

#### А ўқитиш мақсади – Омборда лидерлик тамойилларини тушуниш

- Муҳокама жараёнини гуруҳни, жамоани шакллантиришга ва уларнинг унумдорлигини баҳолашга имкон берувчи ҳаракатлар билан таништиришдан бошланг. Ушбу баҳолаш ёзиб олиниши керак, чунки у бутун модул давомида фойдали маълумот манбаи бўлиб қолади. Ўқувчиларга раҳбарнинг мақсади ҳақида маълумот беринг. Кейин бунини омбор шароитидаги бошқарувнинг роли ва функциялари шарҳига қўлланг, ўқувчиларнинг ушбу янги маълумотларни ёзиб олишларини таъминланг.
- Ўқувчилар биринчи топшириқда қатнашиш тажрибасидан, муваффақиятли раҳбарларни ва уларни нима муваффақиятли қилаётганини умумий маънода муҳокама қилиш учун фойдаланадилар. Улар ўз ғояларини ёзиб борадилар.
- Ўқувчилардан олдинги мунозаралар тўғрисида ўз фикрлари билан ўртоқлашишлари ва ўзларининг ғояларини муайян жараёнларда қўллашлари учун уч ёки тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларга бўлиниб ишлашларини сўранг.
  - товарларни қабул қилиш;
  - товарларни жўнатиш;
  - йиғиш;
  - қадоқлаш;
  - вазифаларни тақсимлаш;
  - ускуналарга техник хизмат кўрсатиш.
  - ички ва ташқи мижозлар ва таъминотчилар билан муносабатлар.
- Бошқарув ролидаги чекловларни муҳокама қилиш учун ўқувчиларнинг мисолларидан фойдаланинг.

### 2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

- Омбордаги жамоалар раҳбарлари ва бинолар раҳбарлари ўртасидаги фарқларни ҳисобга олиш учун муҳокамани кенгайтиринг. Бу қуйидагилар билан боғлиқ бўлган тафовутларни аниқлаши керак:
  - ташкилий тузилма;
  - маҳсулот/товар турлари.
- Ўқувчиларга бошқарувнинг тўртта асосий услуби тўғрисида маълумот беринг. Кейин ўқувчиларни гуруҳларга бўлинг ва ҳар бир гуруҳдан асосий хулосаларини гуруҳнинг қолган аъзолари билан баҳам кўриш орқали битта услубни ўрганишни сўранг (керак вазиятда, флипчартдан фойдаланиш орқали).
- Ўқувчиларга нима туртки бераётгани тўғрисида мунозара олиб боринг. Кейин ушбу маълумотдан, жамоада ишлашнинг асосий мотиваторларини тушунтириш учун фойдаланинг.
- Ўқувчиларни мақташ ва унга бўлган муносабатни таҳлил қилишни ўз ичига олган амалий фаолият билан таништиринг. Кейин ушбу ёндашувни омборга жойлаш ва сақлаш ҳолатларида қўллаш бўйича муҳокама олиб боринг.
- Ўқувчилар билан самарадорликка таъсир қилувчи, жамоанинг иштиёқига тўсқинлик қиладиган омиллар ҳақида муҳокама ўтказинг.
- Ўқувчилар асосий фикрларни ёзиб оладилар.
- Ўқувчилар билан биргаликда логистика компаниясининг ташкилий/бизнес мақсадларини аниқланг. Ушбу маълумот ёзиб олинганлигига ишонч ҳосил қилинг.
- Ўқувчилардан омбор жамоасининг мақсадлари ташкилотнинг умумий мақсадларидан нимаси билан фарқ қилиши тўғрисида фикр алмашиш учун уч ёки тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларни шакллантиришларини сўранг.
- Қуйидаги жиҳатларни қамраб олиш учун омбор бошқарувчиси ушбу мақсадларга қандай эришиши мумкинлигини муҳокама қилинг:
  - тартиб-тамойилларни ўрнатиш;
  - стандартларни белгилаш.
- Унумдорликни ўлчаш тизимидан (УЎТ) фойдаланган ҳолда унумдорликни ўлчаш.
- Ўқувчиларга УЎТ ҳақида маълумот беринг.
- Барча ўрганилган мавзулар ва изоҳларни А ўқитиш мақсади учун баҳолаш топшириқлари билан боғланг.

**2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш****В ўқитиш мақсади – Жамоанинг омбор шароитида қандай бошқарилишини ўрганиш**

- Ушбу ўқитиш мақсади бир ёки бир нечта таклиф этилган спикерларнинг ташрифини ўз ичига олиши қатъий тавсия этилади. Таклиф этилган спикерлар ўзларининг профессионал тажрибаларига оид маълумотларини ўқувчилар билан бевосита баҳам кўришлари мумкин; улар ушбу ўқув мақсадининг асосий йўналишлари ёки жамоа тузилишининг индивидуал йўналишлари ҳақида гапиришлари мумкин.
- Ходимларни режалаштириш мавзуси билан таништиринг ва ўқувчилардан режалаштириш учун ўз асосларини ёзишларини сўранг.
- Ўқувчиларни режалаштиришнинг афзалликлари билан таништиринг ва самарали режалаштиришнинг ташкилий ва идоровий мақсадларга қандай таъсир қилишини муҳокама қилинг.
- Ўқувчилардан танланган мақсадга эришишга ёрдам берувчи муайян омборга жойлаш ва сақлаш жараёнини аниқлашни ва режанинг зарурлигини асослаш учун жуфт бўлиб ишлашларини сўранг. Кейин ўқувчилар ўз ғояларини гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этадилар.
- Ўқувчиларни режалаштириш жараёни билан таништиринг. Кейин улардан ушбу жараённи, 12 ҳафта ичида бошланиши керак бўлган, ҳар қандай маҳсулот учун янги етказиб бериш хизматини танлаб олишларини ва уни гуруҳли топшириқда қўллашларини сўранг. Кейин ўқувчилар қуйидагиларни тавсифлаган ҳолда ўз режаларини гуруҳнинг қолган қисмига тақдим этадилар:
  - режалаштириш топшириғини қандай уддалаганликлари;
  - улар нимани кўриб чиқишлари керак бўлгани;
  - улар кўриб чиқмаган масалалар.
- Ушбу тақдимотлардаги барча муҳим фикрлар ёзиб олиниши керак.
- Ўқувчиларни оғишлар ва раҳбар дуч келиши мумкин бўлган кутилмаган ҳолатлар билан таништиринг ва бу оғишларнинг омбор жамоаси ва бошқа бўлимларга қандай таъсир қилишини тушунтиринг.
- Ўқувчилардан режалаштириш ишларига мурожаат қилишларини ва омбор мудирининг жамоани бошқаришига таъсир қиладиган ҳар қандай оғиш ва кутилмаган вазиятларни аниқлашларини сўранг.
- Ўқувчиларни омбор жамоасини тузишга доир мулоҳазалар билан таништириш.
- Тасодифий равишда жамоада лидерлик қиладиган тўрт талабани танлаб олинг.

### 2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

- Гуруҳнинг қолган аъзолари билан жамоанинг самарали гуруҳ лидерининг хусусиятларини/хислатларини аниқлайдиган мунозара олиб боринг ва ушбу танланган лидерларда улар бор-йўқлигини муҳокама қилинг.
- Қолган ўқувчиларнинг ҳар бирига бирдан бошлаб рақам беринг. Ҳар бир ўқувчи ўз рақамини сир тутати. Ўз навбатида гуруҳ раҳбарлари, гуруҳ аъзоларини танлаш учун рақамларни тасодифий равишда айтишади.
- Жамоани танлагандан сўнг, жамоани шакллантиришнинг ушбу усулининг самарадорлиги тўғрисида гуруҳли муҳокама ўтказинг.
- Ўқувчилар муҳокамасидаги асосий фикрларни тасдиқланг ва жамоани шакллантириш масалалари ва тушунчалари ҳақида маълумот беринг.
- Ўқувчилардан гуруҳли амалий ишларни бажариш учун ўз жамоаларида ишлашларини сўранг, бу жараён доирасида, маълум вақт давомида улар ҳимоя пойафзал/дубулға/қўлқоп тайёрайдилар, сўнг мустақил равишда қўйидагиларни баҳолайдилар:
  - жамоада ишлаш / ролларни тақсимлаш қобилияти (Белбин);
  - вақтни бошқариш;
  - мулоқот;
  - қўллаб-қувватлаш;
  - бошқарув.
- Самарали "орзудаги жамоа"нинг хусусиятларини аниқлаш учун ушбу баҳолаш натижалари бўйича мунозара олиб боринг. Кейин мунозарадаги асосий фикрлар билан таққослаш учун ўқувчиларга аниқ тафсилотларни беринг.
- Ўқувчиларни "орзудаги жамоа" эга бўлиши керак бўлган мақсадлар билан таништиринг ва кейин ўқувчиларни тўрт гуруҳга бўлинишларини сўранг. Ҳар бир гуруҳ мақсадлардан бирини танлайди ва омбор жамоаси сифатида ушбу мақсадни қандай амалга оширишини кўрсатади.
- Орзудаги жамоанинг мақсадлари мураккаб бўлганда ёки жамоада етарли кўникма/билимлар бўлмаганда, ўқувчиларни, ўрганиш ва ривожланишнинг афзалликлари билан таништириш учун муҳокама ўтказинг.
- Ўқувчилардан олдинги муҳокамада айтиб ўтилган афзалликлардан бирини танлаш ва натижаларини бошқа гуруҳларга тақдим этишлари учун кичик гуруҳларда ишлашларини сўранг.

**2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш**

- Ўқувчиларларни, унинг муҳимлиги ва жамоа аъзоларини ривожлантиришдаги ёрдамни таъкидлаган ҳолда, шахсий ривожланиш режаси (ШРР) билан таништиринг.
- Ўқувчилардан фақатгина бир ой ишлаган омбор жамоаси аъзоси учун ШРР яратиш мақсадида, кичик гуруҳларда ишлашларини сўранг. Ушбу ШРР уларнинг учта одатий омбор тартиб-тамойилларидан бирига тўғри риоя қилинишини таъминлаши керак. Кейин гуруҳлар ўзларининг тугалланган ШРР ларини гуруҳнинг бошқа аъзоларига тақдим этадилар.
- Асосий машғулотлар таркиби ўрганиб чиқилгандан сўнг, омборга ташриф буюриш қатъий тавсия этилади, шунда ўқувчилар омборнинг бир қатор жараёнларида қўлланилган жамоавий ишларни кузатиб, таҳлил қилишлари мумкин. Ташриф, шунингдек, талабаларни С ўқитиш мақсадидан кейин келувчи амалий баҳолашга тайёрлайди.

**С ўқитиш мақсади – Иш жойида жамоа унумдорлигини бошқариш**

- Ўқувчиларни ўқитиш мақсадлари ва амалий баҳолаш имкониятлари билан таништириш.
- Муҳокама ўтказинг, унда:
  - яқинда омборга қилинган ташрифнинг шарҳи кўриб чиқилади;
  - жамоада мулоқотнинг роли ва аҳамиятига эътибор қаратилади;
  - жамоанинг самарали ишлаётганига ишонч ҳосил қилиш учун омбор мудури томонидан қўлланиладиган турли хил кўникмалар ва усуллар ҳисобга олинади;
  - омбор мудури бир қатор муаммоларга дуч келганда мулоқотни қандай сақлаб туриши кўриб чиқилади.
- Ўқувчилардан жуфтликлар тузишларини сўранг ва кейин ҳар бир жуфтликка тўрт сценарийдан бирини беринг. Ўқувчилар сценарий бўйича рол ўйнайдилар ва ўз мулоқотларининг самарадорлигини баҳолайдилар. Ушбу фаолият, шубҳасиз, омбордаги вазифаларини тақсимлаш жараёнига олиб келади.
- Ўқувчиларни омборга жойлаш ва сақлаш вазифалари, жамоа аъзолари томонидан бажарилиши мумкин бўлган, ўзгариш киритиш жараёни билан таништиринг. Ўзгаришларни амалга оширишда қиёсий таҳлилдан фойдаланишнинг муҳимлигини айтиб беринг.

### 2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш

- Ўқувчилардан ўз гуруҳларида уч ёки тўрт кишидан иборат кичик гуруҳларни шакллантиришларини сўранг ва ўз гуруҳларида:
  - битта омбор жараёнини аниқлаш;
  - ушбу жараёнга зарур бўлган битта ўзгартиришни аниқлаш;
  - нимани ўзгартириш кераклигини қандай аниқлаганликларини изоҳлаб бериш.
- Кейин гуруҳлар ўзларининг ғоялари ва асосларини синфнинг қолган қисмига тақдим этадилар.
- Ўқувчиларга такомиллаштирилган/ўзгартирилган жараённи жорий қилиш учун, жамоа аъзоларининг унумдорлигини ошириш бўйича асосий ғояларни беринг. Бунга ўқитиш, мураббийлик ва ривожланишнинг бошқа усуллари кирази.
- Ўқувчиларни ўзгариш жараёнининг таҳлили билан таништиринг, жумладан:
  - ўзгаришларни қандай аниқлаганликлари;
  - зарур бўлган барча манбалар;
  - чекловлар.
- SWOT таҳлил формати – ўзгартириш ёки такомиллаштириш билан боғлиқ кучли ва заиф томонларни, имконият ва таҳдидларини аниқлаш учун.
- Кейин жамоа иши яхшиланишининг қуйидагиларга таъсири ҳақида муҳокама ўтказинг: жараёнлардаги ўзгаришларга; самарадорликка; жамоавий ва ташкилий мақсадларга.
- Ўқувчиларни ўзлари кузатишни хоҳлаган нарсаларини муҳокама қилишга ундаш учун ўқитиш мақсадлари ва баҳолаш талабларининг амалий элементи билан таништиринг. Ушбу муҳокамадан келиб чиқиб, кузатувлар рўйхати шаклида асосий кузатув стандартларини аниқланг ва ифода этинг.
- Вақт ва чиқишларнинг графигини режалаштиринг ва агар иложи бўлса, ўқувчиларга қайта машқ қилишга имкон беринг. Омбор муҳитида ишлайдиган ёки логистика билан шуғулланадиган вакилни жалб қилиш тавсия этилади.
- Ўқувчиларни одатий омбор саҳнасини ўйнашлари учун уч кишидан иборат гуруҳларга бўлинг, бунда раҳбар бошқа бўлим билан боғлиқ муайян вазифани бажариш учун жамоанинг бошқа аъзосини тайинлайди. Ҳар бир ўқувчи жамоа раҳбарлиги ва назоратининг тегишли жиҳатлари бўйича адолатли баҳо олиш имкониятига эга бўлиши учун ўқувчилар ролларни алмашадилар.

**2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш**

- Сиз ва гуруҳнинг қолган аъзолари ўқувчиларнинг рол ўйнашларини кузатасиз ва қайдлар қиласиз. Баҳолаш ва текшириш учун тегишли маълумотларни тегишли ҳужжатга киритишингиз керак бўлади. Шунингдек, мулоқот кўникмаларини баҳолаш учун, ушбу чиқишларни ёзиб олиш тавсия этилади.
- Ҳар бир ўқувчининг чиқиши тахминан 5-7 дақиқа давом этади.

## ВТЕС нинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Ушбу модул малаканинг қуйидаги модуллари билан боғланган:

- 3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш

## Ресурслар

### Китоблар

Jones, S. and Schilling, D. – *Measuring Team Performance*, Jossey-BassInc (2000), ISBN 978-0-787-94569-5

Kozlowski, S. and Salas, E.(ed.) – *Learning, Training and DeBelopment in Organizations*, Routledge (2010), ISBN 978-0-805-85559-3

Littlejohn, S. and Foss, K. – *Theories of Human Communication*, tenth edition, WaBeland Press Ltd(2011), ISBN 978-1-57766-706-3



## Иш схемаси

<b>Модул</b>	2-модул: Омбор муҳитида жамоани бошқариш ва назорат қилиш
<b>Ўқув соатлари</b>	60
<b>Дарслар сони</b>	20
<b>Дарслар давомийлиги</b>	3 соат
<b>Бошқа модулларга ҳаволалар</b>	3-модул: Омбор жараёнларини бошқариш

Ўқитиш учун калитлар			
<b>ЁМТ</b>	Ёзма мустақил топшириқ	<b>ММ</b>	Материални мустаҳкамлаш
<b>ТЭС</b>	Таклиф этилган спикер	<b>Т</b>	Ташриф
<b>МЎ</b>	Мустақил ўқитиш	<b>ИТ</b>	Иш тажрибаси

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
1	Модулга кириш Самарали жамоанинг таркибий қисмлари		<ul style="list-style-type: none"> <li><b>Кириш:</b> ўқитувчи кўриб чиқилган мавзулар ҳақида умумий маълумот бериш орқали ўқувчиларни модул билан таништиради. Ўқитувчи ушбу модул учун турли хил баҳолаш жараёнларини тушунтиради ва ўқувчиларни баҳолаш учун иш дафтарлари билан таъминлайди.</li> <li><b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи модулнинг вазифалари ва ундан кутилаётган натижаларни тушунтиради.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Гуруҳли ўйин учун йўриқнома</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар гуруҳли ўйин ўйнайдилар ва жамоанинг самарали раҳбарларини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> ўйиндан кейин ўқувчилар самарали раҳбарларнинг асосий фазилатларини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи ўқувчиларни раҳбарнинг роллари билан таништиради.</li> <li>• <b>Ўқувчилар билан муҳокама:</b> ўқувчилар омбор муҳитида жамоанинг самарали бошқарувининг муҳимлигини муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Синфдаги муҳокама:</b> дарс мазмунига хулоса қилинг ва тушуниш даражасини текширинг.</li> </ul>	<p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p>
2	Бошқарув услублари	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Жуфликда бажариладиган машқлар:</b> ўқувчилар, уларнинг фикрича, омбордаги гуруҳ раҳбари ва омбор мудирини ўртасидаги асосий фарқларни санаб ўтадилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи талабалар ғояларини уйғунлаштириш учун мунозара олиб боради, талабалар эса бу маълумотни жадвалга "Гуруҳ раҳбари" ва "Омбор бошқарувчиси" деб номланган иккита устун билан ёзадилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқитувчи ўқувчиларни тўрт гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ бошқарувнинг қуйидаги услубларидан бирини, унинг афзалликлари ва камчиликларини аниқлаган ҳолда ўрганадилар: <ul style="list-style-type: none"> <li>○ "аралашмаслик";</li> <li>○ аффилиатив;</li> <li>○ авторитар;</li> <li>○ демократик.</li> </ul> </li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи ўқувчилар тадқиқотларининг асосий фикрларини бошқарувчиликнинг тўрт хил услубига жамлаш учун тақдимот ўтказади, ўқувчилар эса ўз натижаларини таҳлил қилишади ва ҳар қандай қўшимча маълумотларни қўшишади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи дарс мазмунини такрорлайди ва ўқувчиларнинг тушунишини текширади.</li> <li>• <b>Баҳолаш машқлари:</b> ўқувчилар 1-топшириқ устида ишлашни бошлайдилар.</li> </ul>	

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
3	Билимларни текшириш ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришларини кузатиб бориш	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқувчилар ушбу саволни кўриб чиқадилар: "Иштиёқ нима ва сизнинг иштиёқингизни нима уйғотади?"</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқувчилар иштиёқнинг таърифи ва тамойилларини муҳокама қиладилар; ўқитувчи асосий мотиваторларни аниқлайди.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар "Хушомад совға қилинг" ўйинини ўйнашади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи омбор жамоасини мотивация қилиш усуллари ҳақида тушунча беради.</li> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи ўқувчиларнинг тушунишларини синаб кўриш учун саволлар бериш ва уларга жавоб бериш орқали 2-топшириққа қўйиладиган талабларни баён қилади.</li> <li>• <b>Баҳолаш машқлари:</b> ўқувчилар 2-топшириқни бошлашади ва 1-топшириқнинг бажарилиш жараёнини таҳлил қилишади</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>"Хушомад совға қилинг" ўйини учун қўлланма.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>
4	Унумдорликни бошқариш	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарснинг мазмунини такрорлайди.</li> </ul>	Модул спецификацияси.

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқ:</b> ўқувчилар жамоавий ишлашни талаб қиладиган омборга жойлаш ва сақлаш жараёнларини санаб ўтишади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқувчилар логистика компаниясининг ташкилий/бизнес мақсадларини ва уларнинг омбор жамоасининг мақсадларидан қандай фарқ қилишларини кўриб чиқадилар.</li> <li>• <b>Мустақил машқ:</b> ўқувчилар омбор раҳбарининг ушбу мақсадларга эришишини таъминлаш усулларини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи ўқувчиларни унумдорликни бошқариш ва унумдорликни бошқариш тизимининг (УБТ) таркибий қисмлари билан таништиради.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи дарсга хулоса қилади ва тушуниш даражасини текширади.</li> </ul>	<p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>
5	А ўқитиш мақсади, ўқувчиларнинг билимини текшириш ва ўзлаштиришларини назорат қилиш	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарснинг мазмунини такрорлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи А ўқитиш мақсадининг таҳлил талаблари ва мақсадларининг шарҳи ифодаланган тақдимот ўтказди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи ўқувчиларга ҳар бир ўқувчининг муваффақиятини текшириш сабабларини</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Ишнинг бориши тўғрисидаги ҳисобот.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<p>аниқлашга ва ушбу модул учун ўзлаштиришни текшириш жадвалини тузишга ёрдам беради.</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи таҳлил ва шарҳ ўртасидаги фарқларни баён қилади ва ўқувчилар учун "Таҳлил шарҳга қарши" деб номланган тестни тақдим этади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> бошқа ўқувчилар 1-топшириқ бўйича мустақил ишлаётган вақтда, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг индивидуал прогрессини кўриб чиқади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи дарснинг мазмунини такрорлайди ва ўқувчиларнинг тушунишларини текширади.</li> </ul>	<p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>
6	Кадрларни режалаштириш	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарснинг мазмунини такрорлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> ўқитувчи ўқувчиларни билим ва ўқитиш мақсади ва режалаштиришнинг мақсади билан таништиради.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи режалаштириш жараёнларини намойиш этади ва фарқлар, қонунчилик ва оқибатларни тасвирлайди.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар режалаштириш ва тегишли режани тақдим қилишни ўз ичига олган битта омбор амалиётини аниқлайдилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Мустақил машқ:</b> ўқувчилар 1-топшириқни бажаришни давом эттирадilar.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи дарснинг мазмунини такрорлайди ва ўқувчиларнинг тушунишларини текширади.</li> </ul>	
7	Кадрларни режалаштириш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари (6-дарснинг давоми):</b> ўқувчилар режалаштириш ва ўз режаларини тақдим этишни ўз ичига оладиган битта омбор амалиётини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> режалаштиришнинг жиҳатларини муҳокама қилиш.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари (давоми):</b> ўқувчилар ўз режаларининг жиҳатларини аниқлайдилар ва муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар янги хизматни режалаштиришмоқда.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> фарқларни ҳисобга олган ҳолда режалаштиришни муҳокама қилинг.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> биринчи гуруҳ топшириғидан фойдаланган ҳолда, ўқувчилар фарқлар ва оқибатларни аниқлайдилар, сўнг натижаларини тақдим этадилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи дарснинг мазмунини такрорлайди ва ўқувчиларнинг тушунишларини текширади.</li> <li>• <b>Жуфликда бажариладиган машқлар:</b> ўқувчилар 1-топшириқ устида ишлашни давом эттирадилар.</li> </ul>	
8	Самарали омборга жойлаш ва сақлаш жамоаларини тузиш	ТЭС	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди ва таклиф этилган спикерни таништиради.</li> <li>• <b>Таклиф этилган спикерни:</b> таклиф этилган спикер самарали омбор жамоасини тузиш бўйича тушунча беради.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчиларнинг таклиф этилган спикер билан савол-жавоблари.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи дарснинг мазмунини такрорлайди ва билимларни синовдан ўтказди.</li> <li>• <b>Ўқувчининг мустақил машқи:</b> ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтарларидаги 3-топшириқ билан танишадилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Таклиф этилган спикер.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>
9	Самарали омборга жойлаш ва сақлаш жамоаларини тузиш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> гуруҳ ва жамоа ўртасидаги фарқни муҳокама қилинг.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p>



№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи жамоа тузилиши ва роллар хусусиятини таништиради.</li> <li>• <b>Ўқувчиларнинг муҳокамаси ва машқлари:</b> ўқувчилар тўртта раҳбарни танлайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи "Нима?", "Қандай?", "Қачон?", "Қаерда?" ни ифода этади.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар белгиланган муддатда хавфсизлик пойафзали, дубулға ёки қўлқоп ясашади ва натижаларни таҳлил қилишади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи дарснинг мазмунини такрорлайди ва билимларни текширади.</li> </ul>	<p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Таклиф этилган спикернинг ташрифи ёзувлари.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p> <p>Қоғоз, елим, қайчи ва бошқа қўл ости материаллар.</p>
10	Жамоа тузиш ва динамика Самарали жамоалар	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> самарали жамоанинг хусусиятларини муҳокама қилинг.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар ўз орзуларидаги жамоанинг хусусиятларини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи орзудаги жамоанинг таркибий қисмлари билан таништиради.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> гуруҳ ва ўқитувчининг хулосаларини таққосланг.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи орзудаги жамоанинг мақсадларини тақдим этади.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар орзудаги жамоанинг эҳтиёжларини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи билимларни текшириш учун савол-жавоблардан фойдаланади.</li> </ul>	Интернетга кириш имконияти.
11	Ўқиш ва ривожланишнинг афзалликлари	МЎ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар ходимларни ривожлантиришнинг афзалликларини муҳокама қиладилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи ходимларни ривожланишининг афзалликларини намойиш этади.</li> <li>• <b>Мустақил машқ:</b> ўқувчилар омборхона ходимларини ривожлантиришнинг афзалликларидан битта жиҳатини аниқлайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи индивидуал ривожланиш ва шахсий ривожланиш режасининг (ШРР) ролини таништиради.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи ўқитиш ва ривожлантириш усуллари тақдим этади.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқ:</b> ўқувчилар тематик тадқиқотлардан бири учун, омбор ходими учун ишлатилиши мумкин бўлган ШРР-ни тузадилар, сўнгра ШРР-ни тақдим этадилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи дарснинг мазмунини такрорлайди ва билимларни текширади.</li> </ul>	
12	А ва В ўқитиш мақсадлари, баҳолаш учун иш дафтари	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи таҳлил, ташриф ва тайёргарлик ҳужжатлари бўйича тақдимот ўтказади.</li> <li>• <b>Жуфликда бажариладиган машқлар:</b> ўқувчилар омбор ва жамоани кузатишга алоҳида эътибор берган ҳолда катта омборга ташриф буюриш учун назорат рўйхатини тузадилар.</li> <li>• <b>Баҳолаш машқлари:</b> ўқувчилар 3-топшириқ устида иш олиб борадилар.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Ташриф бўйича ҳужжатлар.</p> <p>Флипчарт/"ақлли" доска каби ёзув усули.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
13	А ва В ўқитиш мақсадлари, баҳолаш учун иш дафтари	ЁМТ	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Баҳолаш машқлари:</b> ўқувчилар 1–4 топшириқларни якунлайдилар ва баҳолаш учун иш дафтарида тақдим этадилар (А ва В ўқитиш мақсадлари).</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи ўқувчиларга омборга ташриф ҳақида эслатади.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Ташриф бўйича ҳужжатлар.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>
14	Ташриф	Т	<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> Омборга ташриф.</li> </ul>	<p>Ташриф бўйича ҳужжатлар.</p> <p>Ташриф учун назорат рўйхати.</p>
15	Алоқаларни бошқариш		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоблар сессияси:</b> ўқитувчи омборга бўлган ташриф бўйича хулоса қилади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> омбор мудирини ва жамоанинг ишини таҳлил қилинг.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> ўқитувчи 5-топшириқ бўйича баҳолаш талабларини тақдим этади.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:</b> омбор шароитида алоқалардан фойдаланиш ва уларнинг муҳимлигини муҳокама қилиш.</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>Ташриф учун назорат рўйхати ва қайдлар</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>Мулоқот кўникмаларини</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
			<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар алоқа кўникмаларга оид тўрт хил сценарий бўйича рол ўйнайдилар.</li> <li>• <b>Гуруҳ машқлари:</b> ўқувчилар ушбу роллардаги мулоқот кўникмаларини баҳолайдилар.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги машқлар:</b> ўқитувчи дарснинг мазмунини такрорлайди ва билимларни текширади.</li> </ul>	<p>ривожлантириш учун сценарийлар.</p> <p>Баҳолаш учун иш дафтари.</p> <p>Интернетга кириш имконияти.</p>
16	<p>Ишни тақсимланг ва ишнинг сифатини тасдиқланг</p> <p>А ва В ўқитиш мақсадлари учун баҳолаш учун иш дафтаридаги топшириқлар бўйича имтиҳон олувчиларнинг фикр-мулоҳазалари</p>		<ul style="list-style-type: none"> <li>• <b>Савол-жавоб</b> ўқитувчи олдинги дарсни такрорлайди.</li> <li>• <b>Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимот:</b> Ўқитувчи вазифаларн омбор гуруҳи аъзолари ўртасида тақсимлашни ва SMART мақсадларини тузишни тақдим этади.</li> <li>• <b>Кичик гуруҳлардаги машқлар:</b> Ўқувчилар битта омбор жараёнини ва унга киритилиши керак бўлган битта ўзгартиришни аниқлайдилар, сўнгра SMART мақсадларни тузадилар.</li> <li>• <b>Баҳолаш машқлари:</b> А ва В ўқитиш мақсадлари учун одамларнинг баҳоловчи фикр мулоҳазалари бўйича ўқувчи ва ўқитувчиларнинг ўзлаштириш бўйича шартлари</li> </ul>	<p>Модул спецификацияси.</p> <p>15-дарс учун ўқитувчининг қайдлари</p> <p>Тақдимот учун слайдлар</p> <p>1-4 топшириқ учун баҳолаш бўйича иш дафтарлари.</p> <p>Баҳоловчи ёзувлар</p> <p>Ўқувчининг ўзлаштириши бўйича шарҳлар</p>

№	Мавзу	Дарс тури	Таклиф этиладиган машқлар	Ресурслар
